

ТАСАВВУФ ПСИХОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

А.Б.Қодирова

ТерДУ Психология кафедраси доценти,
психология фанлари бўйича(PhD) фалсафа доктори

АННОТАЦИЯ

Тасаввуф психологияси, билим, маърифат, тасаввуфнинг когнитив психологик назариясида интуициянинг ўрни, руҳ психология фанининг тадқиқот предмети, инсон психикаси унинг ҳаёти, психика ва нафс ўртасидаги муносабатлар.

АННОТАЦИЯ

Психология суфизма, познание, просветление, роль интуиции в когнитивно-психологической теории суфизма, предмет исследования психологии души, психика человека, ее жизнь, взаимоотношения психики и души.

ANNOTATION

The psychology of Sufism, knowledge, enlightenment, the role of intuition in the cognitive psychological theory of Sufism, the subject of the research of soul psychology, the human psyche, its life, the relationship between the psyche and the soul.

Тасаввуф психологиясининг яна бир муҳим вазифаларидан бири тасаввуфнинг когнитив психологик назарияси бўлиб, унинг марказида олий даражадаги ҳиссий, Аллоҳни кашф этувчи билимлар ётади ва бу билимлар алоҳида одамларгагина хосдир. Тасаввуфда бу ҳолни маърифат дейишади. «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради, яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади».[4]

А.Насафийнинг фикрича, маърифат нури солиқнинг қалбига ёғилганда, у нарсаларнинг асл моҳиятини ҳис эта бошлайди. Негаки нарсаларнинг асл моҳияти зоҳирий идрокдан пардаланган бўлади, зулматда бўлади ва маърифат нури бу зулматни ёритиб, асл моҳиятни юзага чиқаради, шунингдек, маърифат нури солиқни ўлдиради ва Аллоҳ борлигида тирилтиради. Маърифат илми тоат-ибодат, зикр, риёзат, мужоҳада, тафаккур, такво ва ҳ.к. лар натижасида Аллоҳ бандасига эҳсон қиладиган илмдир.

Тасаввуфнинг когнитив психологик назариясида интуициянинг ўрни катта бўлиб, у ақл ёрдамида билиш мумкин бўлмаган жойларда билиш жараёнига ёрдамга келади. Маърифат ёрдамида тўсатдан сирларнинг очилиши (когнитив билиш) кашф ҳолини беради ва у интуитив ҳолда содир бўлади.

Айтиш жоизки, психологиядаги интуиция билан тасаввуф назариётчилари назарда тутган интуициянинг фарқи бор. Психологияда интуицияга илоҳий иноят деб қарамаслик, бу жараёнда Аллоҳнинг иштирокини инкор қилиш бор. Бу ҳолат ҳам тасаввуф психологиясининг муаммоларидан бири ҳисобланади.

Руҳ психология фанининг тадқиқот предмети бўла оладими, деган савол тасаввуф психологиясининг асосий муаммоларидан биридир. Қуръони каримда (Исро (17) сураси 83-оят) руҳ тўғрисида ёлғиз Парвардигор биладиган иш, дея ёзилган. Шариат уни чуқур ўрганишга руҳсат бермайди.

Инсон танаси батафсил ўрганилган, бироқ руҳ ҳақида маълумотлар жуда кам бўлиб, асосан, тасаввуф аҳли асарларида маълумотлар учрайди.

Руҳ инсон танасидаги жараён қилиш ўрнига қараб турли хил аталади.»Агар руҳ инсоннинг жасадидаги хужайраларда жараён қилса, ҳаёт деб номланади. Агар руҳ инсоннинг миясидаги хужайраларда жараён қилса, ақл, идрок деб номланади. Агар руҳ инсоннинг юрагидаги хужайраларда жараён қилса, қалб деб номланади»[5]

Психология фанининг тадқиқот объекти бўлган психика билан руҳ ўртасидаги фарқ ҳақида шундай дейиш мумкин: психика бош миянинг функцияси (хусусияти) ҳисобланади. Руҳ эса илоҳий ибтидога ега. Инсон психикаси унинг ҳаётини белгилаб берса, руҳ инсоннинг туб моҳиятини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, «руҳ» илоҳий сир-синоат маҳсули, «психика» эса объектив борлиқнинг субъектив инъикоси ёки юксак тараққий қилган материя (мия) нинг тизимли хусусияти эканлигидан келиб чиқиб, улар алоҳида объектлигини ва психология фани фақат «психика» билан шуғилланишини таъкидлаш лозим.

Нафснинг инсон психологиясидаги ўрни ҳақида Маҳмуд Асъад Жўшон шундай деб ёзади: «Нафс инсоннинг моддий ўзлиги, «Мен»лигидир. Тилимизда унинг муқобили мавжуд эмас. Уни фақат таърифлай ва тасвирлай оламиз. Жаноби Аллоҳ (ж.ж.) бизнинг ботинимизга бир идора етувчи, жисмимизни, моддий борлигимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни кўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ жойлаштирган, ана шу нафсдир»[6]. Эътибор берилса, бу ерда нафснинг иккита сифатига алоҳида тўхталади, яъни нафснинг мавжуд бўлишлиги зарур экан ва унинг истаклари

табий экан, бироқ у доимий таъқиб ва назоратда бўлиши, тарбияланиши ва ёмон иллатлардан покланиши шарт экан.

Нафс Ғарб психологиясида «его» деб аталиб, шахнинг қуйи шаклидир. У истак ва хоҳишларни, эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган импульслардан, қўзғалишлардан иборатдир. Мазкур импульслар ақлдан, фикрлашдан устун туради. Бироқ инсон организмнинг (вужуднинг) мазкур кучларига эрк бериб бўлмайди.

Демак, тасаввуф психологиясининг келажакдаги муҳим вазифаларидан бири рух, психика ва нафс ўртасидаги муносабатларни тизимга солишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қодирова, А. Б. (2019). The views of Al Khakim At-Termizi on the theory of cognition. *Psixologiya*, (1), 88-90.
2. Qodirova, A. (2022). УЛУҒ МУҲАДДИС ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. *Science and innovation*, 1(B7), 1086-1090.
3. Kodirova, A. B. (2022). ANALYSIS OF PSYCHOLOGICAL VIEWS IN THE WORKS OF AL-NAKIM AT-TERMIZI ACCORDING TO THE SCIENTIFIC CONTENT AND THE THEORY OF SUFISM. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(12), 1287-1292.
4. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. 227-б.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Хислатли ҳикматлар шарҳи. 4-жуз. – Т.: Ҳилол-Нашр, 2014. 110-б.
6. Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. –Т.: Чўлпон, 1998. 13-б.